



Ислом Нури

Аллоҳнинг номи билан (чиқаман), Аллоҳга таваккул қилдим, куч-қувват ҳам, қудрат ҳам фақат Аллоҳ(нинг бериши) биландир) деса, унга: “ҳидоятландинг, кифояландинг ва ҳимояландинг” дейилади, шайтонлар ҳам ундан четланади, бир шайтон бошқа шайтонга қараб: “ҳидоятланган, кифояланган ва ҳимояланган одамга қандай кучинг етсин” дейди.

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Анас розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Киши уйдан чиққан пайтида: “Бисмиллаҳи таваккалту алал-ллоҳи вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ” (Аллоҳнинг номи билан (чиқаман), Аллоҳга таваккул қилдим, куч-қувват ҳам, қудрат ҳам фақат Аллоҳ(нинг бериши) биландир) деса, унга: “ҳидоятландинг, кифояландинг ва ҳимояландинг” дейилади, шайтонлар ҳам ундан четланади, бир шайтон бошқа шайтонга қараб: “ҳидоятланган, кифояланган ва ҳимояланган одамга қандай кучинг етсин” дейди.

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Умму Салама розияллоху анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қачон ҳужрамдан чиқсалар осмонга қараб: (Эй Аллоҳ, мен Сендан адашишим ё адаштирилишимдан, тойилишим ё тойдирилишимдан, зулм қилишим ё зулмланишимдан, бошқаларга жоҳиллик қилиб



қўйишим ёки бошқалар менга жоҳиллик қилишидан паноҳ сўрайман) дер эдилар.

Шарх:

Манзилдан чиқишда айтиладиган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуо ва зикрлар бор. Биз унвонда « **Намозхон уйдан чиққанида нима дейди**» деган бўлсакда, бу дуо ҳар қандай мақсадда уйдан чиқаётган киши учун суннат. Агар мусулмон киши бу дуоларни доим ўқиб юришни одат қилса, Аллоҳнинг изни билан шайтоннинг макр-ҳийлаларидан ва бошқа ёмонликлардан сақланади ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашгани учун ажр олади. Бу дуолар осон ва ёдлашга қулай, осонгина қўлга киритиш мумкин бўлган манфаатлардан ғофил қолмайлик.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Манзилдан чиқишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуоларни айтиш суннат.
2. Бу дуолар Аллоҳнинг изни билан шайтондан қалқон бўлади.
3. Дуо ва зикрнинг улуғ фазли ва фойдалари бор.